«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзгидромет
Бош директори ўринбосари,
танлов комиссияси раиси

_____Ф.Б.Сафаров
"____" _____ 2022 йил.

2022 йил 21 сентябрь *Тошкент шаҳри*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ-4896-сон қарори билан тасдиқланган дастурларга мувофиқ, 2022 йилда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида "WRM 200 метеорологик радиолокатор" ускунасини ўрнатиш ва хизмат кўрсатиш шароитини яратиш учун металл конструкция таёрлашга лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича харид комиссиясининг навбатдаги

1- **сон йиғилиш БАЁННОМАСИ**

Ўзгидромет бош директорининг 2022 йил 19 июлдаги 197-Т-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзгидромет харид комиссия аъзолари

Комиссия раиси:

1 Ф.Сафаров - Ўзгидромет Бош директори ўринбосари

Комиссия раиси ўринбосари:

2 Қ.Кулумбетов - Бош директор маслаҳатчиси

Комиссия аъзолари:

3 А.Нарзуллаев - Гидрометеорологик кузатувлар тармоғи бошқармаси бошлиғи

4 А.Исломов - Юридик бўлим етакчи юристконсулти

5 С. Халияров - Инвестицион лойиҳаларни мувофиқлаштириш, маркетинг тадқиқотлари ва молиялаштириш бошқармаси бошлиғи

КУН ТАРТИБИ

1. Талабгорлар томонидан танлов ҳужжатлари талаблари асосида тайёрланган таклиф ҳужжатларини ўрганиб чиқиш ва танлов ғолиблигига номзодни танлаш.

(Ф.Сафаров, Қ.Кулумбетов, С.Халияров, А.Нарзуллаев, А.Исламов)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ-4896-сон қарори билан тасдиқланган дастурларга мувофиқ 2022 йилда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида "WRM 200 метеорологик радиолокатор" ускунасини ўрнатиш ва хизмат кўрсатиш шароитини яратиш учун пудратчи ташкилотни аниқлаш, танлов ҳужжатлари талаблари ҳамда давлат харидлари махсус ахборот порталида (etender.uzex.uz) 2022 йил 9 сентябрда жойлаштирилган энг яхши таклиф бўйича эълонга (лот № 22110012146612) асосан талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифлар кўриб чиқилди.

Танлов комиссияси раиси Ф.Сафаров сўзга чиқиб, иштирокчилар томонидан тақдим қилинган танлов таклифлари тўпламини танлов ҳужжатлари таркибида берилган техник ва тижорат баҳолаш мезонларига асосан кўриб чиқиши ҳамда танлов ҳужжатларининг талабларига мос келмаган ва тегишли тарзда расмийлаштирилмаган деб топилган иштирокчининг таклифлари танловдан дисквалификация қилиниши ва таклифи рад этилишини маълум қилди.

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида "WRM 200 метеорологик радиолокатор" ускунасини ўрнатиш ва хизмат кўрсатиш шароитини яратиш учун металл конструкция таёрлашга лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича қуйидаги лойиҳа ташкилотлари қатнашганлигини айтиб ўтди.

1) **“KELAJAK-S” ХК**

2) **“PROEKT-SERVIS” МЧЖ**

3) **“D-INEX” МЧЖ**

Шундан сўнг тақдим этилган таклифлар ва тегишли ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб, “D-INEX” МЧЖни ғолиб деб топиш ва шартнома тузиш бўйича таклиф берилди. Комиссия раиси таклифни овозга қўйди.

Овоз бериш натижаси: «Рози» - 5, «Қарши» - 0, «Бетараф» - 0.

Муҳокамага қўйилган масала юзасидан **2 (икки)** иш куни давомида ҳеч қандай таклифлар келиб тушмади ва норозиликлар билдирилмади.

Мажлис иштирокчиларининг фикр ва мулоҳазаларини инобатга олиб, харид комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида "WRM 200 метеорологик радиолокатор" ускунасини ўрнатиш ва хизмат кўрсатиш шароитини яратиш учун металл конструкция таёрлашга лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича тақдим этилган таклифлар ва тегишли ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб, “D-INEX” МЧЖ таклифи бир овоздан маъқуллансин.

2. **“D-INEX” МЧЖ** танлов ғолиби деб топилсин ва ушбу корхона билан шартнома имзолаш мақсадга мувофиқ, деб белгилансин.

Харид комиссияси масъул котиби С.Орипова

Харид комиссияси аъзолари:

_____ Қ. Кулумбетов

_____ А. Нарзуллаев

_____ С. Халияров

_____ А. Исламов